

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКНИЯЗОВ БЕРИКБАЙ КОЗДИБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚОЗОҚЛАРИ ТИЛИДАГИ СОМАТИК  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – «Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(қозоқ тили)»**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Бекниязов Берикбай Коздибаевич**

Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмларнинг  
лингвомаданий таҳлили ..... 3

**Бекниязов Берикбай Коздибаевич**

Лингвокультурологический анализ соматических фразеологизмов в  
языке казахов Каракалпакстана ..... 25

**Bekniyazov Berikbay Kozdibaevich**

Linguocultural analysis of somatic phraseologisms in the language of the  
kazakhs of Karakalpakstan..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКНИЯЗОВ БЕРИКБАЙ КОЗДИБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН ҚОЗОҚЛАРИ ТИЛИДАГИ СОМАТИК  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – «Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(қозоқ тили)»**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1356 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдиназимов Шамшетдин Нажимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ескеева Мағрипа Қайнарбай қизи**  
филология фанлари доктори, профессор  
(Нур-Султан, Қозоғистон)

**Диланов Бекмурза Гулимбетович**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи муассаса:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июл кунги соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июл кунги тарқатилди.  
(2021 йил «19» июл даги 8 рақамли реестр баённомаси).



**М.С. Қудайбергенов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Дж.Н.Сагидуллаева**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.,  
доцент

**А.И.Альниязов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида оламнинг лисоний манзарасини бутун дунё маданияти тараққиёти таъсирида вужудга келадиган қонуниятлар билан узвий бирликда ўрганувчи йўналишлар шаклланимоқда. Тилнинг маданий феномен сифатидаги ўрни, инсоннинг атрофдаги олам тўғрисидаги билимлари, тушунчаларининг антропоцентрик парадигма жиҳатидан салмоғини аниқлаш, соматик фразеологизмлар асосида амалий хулосалар чиқариш муайян аҳамият касб этмоқда.

Дунё лингвوماданиятшунослиги соҳасида ҳар қандай миллий тилни бойитиш, шакллантириш қонуниятларига эга бўлган шеваларни тадқиқ қилиш, айниқса, миллий асосий этнодан олисда яшаётган диалект вакиллариининг тил хусусиятларини диалектал фраземик, соматик жиҳатидан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, узок асрлардан буён Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган қозоқларнинг этномаданий хусусиятларини соматик фразеологизмлар орқали тадқиқ этиш, айниқса, қорақалпоқ, ўзбек, туркман халқлари тиллари таъсирини аниқлаш, семантик-прагматик томонларини ҳозирги диалектологик замонавий илмий тадқиқот усуллари ёрдамида ёритиш долзарб масалалардан бири саналади.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларига ўз она тилида таълим олиш, урф-одат, анъана ва қадриятларига таяниш, уларни ардоқлаш, авлоддан авлодга етказиш ҳамда диний эътиқодига бўлган ҳурмат ва эътибор сўнгги йилларда янада кучайди. Қорақалпоғистон Республикасида қозоқ тилида 163 мактабнинг фаолият юритиши, олий таълим муассасаларида бир қанча таълим йўналишларида таълимнинг қозоқ тилида олиб борилиши бунинг ёрқин далилидир. «Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айна шу мақсадга хизмат қилмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномалари, 2018 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон Фармойиши, 2017 йил 18 феврал-

<sup>1</sup> Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли / Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019, 22 октябрь. - № 218 (7448).

даги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ 2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 16 октябрдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг «Давлат тили ҳақида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий тадбирлар билан боғлиқ 584-сон Қарори ва ушбу фаолиятга мувофиқ бошқа меърийд-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида соматик фразеологизмларнинг диалектал ва лингвомаданий хусусиятлари З.А.Богус, Ж.Х.Гергокова, Л.В.Архипкина, Чжен Гуанцзе, Е.В.Николина<sup>2</sup> ва туркий тиллар бўйича унинг лингвомаданий таҳлили масаласи А.Исаев, Г.Сагидолда, Ж.И.Мухамбетов, А.О.Карипжанова, Р.Ж.Уримова, А.Б.Нуржанова, У.М.Рашидова, О.Назаровлар<sup>3</sup> томанидан бир қанча ишларда ўрганилди.

---

<sup>2</sup> Богус З.А. Соматизмы в разносистемных языках: семантико-словообразовательный и лингвокультурологические аспекты (на материале русского, адыгейского и английского языка): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Майкоп, 2006; Гергокова Ж.Х. Фразеологическая концептуализация понятия «человек» (на материале карачаево-балкарского, английского и русского языков): Дис. ... канд. филол. наук. – Камчик, 2004; Архипкина Л.В. Немецкие фразеологические единицы с компонентами соматизмами в лингвокогнитивном и культурном аспектах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2007; Чжен Гуанцзе. Фразеология теле в русском языке глазами носителя китайской лингвокультуры: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2013; Николина Е.В. Соматические фразеологизмы характеризующие человека в тюркских языках Сибири и казахском: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2002.

<sup>3</sup> Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. Автореф. дис. ... кан. филол. наук. – Т., 1977; Сагидолда Г. Түркі – моңғол дүние бейнесінің тілдік фрагменттері. – Астана: Сарыарқа. – 2011; Мухамбетов Ж.И. Көркем мәтіндердегі диалектизмдердің этномәдени мәні: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2007; Кәріпжанова А.О. Фразеологиялық коннотациялық прагматилистикасы (Мәшһүр Жүсіп Көней ұлы шығармалары бойынша): Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2010; Уримова Р.Ж. Қазақ тілінің аймақтық мақал-мәтелдері мен фразеологизмдерінің этноқұрылымдық сипаты: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2009; Нуржанова А.Б. Дүниенің қарабайыр бейнесі: фразеологиялық фрагменттің соматикалық коды: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2010; Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида):

Қорақалпоғистонда яшаётган қозоқлар тили А.Құрышжанов, Б.Бекетов, Н.Жүнисов, Ш.Қудиярова, Ы.Қуттымуратова, Г.Адилова<sup>4</sup>, республикадаги ўзбек шевалари А.Ишаев, Ю.Ибрагимов, З.Ибрагимова, У.Ибрагимова<sup>5</sup>, туркман шевалари С.Аразкулиев, А.Т.Аразов<sup>6</sup> томонидан ўрганилган, қорақалпоқ тилшунослигида Г.Айназарова, Б.Юсупова, А.Пирниязова, Г.Алламбергеновалар<sup>7</sup>нинг ишларида илмий-назарий фикрлар билдирилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Қозоқ тили ва адабиёти, уни ўқитишнинг долзарб муаммолари», «Ҳозирги филология фанининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий дастурлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган қозоқлар тили материаллари асосида соматик фразеологизмлар, уларнинг лексик-семантик, концептуал, лексик-мавзувий хусусиятларини аниқлаш, тиллараро ўзаро таъсир тарихий босқичларининг диалектал, контактологик жиҳатларини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон қозоқлари жонли сўзлашув тилида қўлланилган соматик фразеологизмларнинг маълумотлар базасини яратиш;

диалектал соматик фразеологизмларнинг пайдо бўлишига асос бўладиган миллий-маънавий, когнитив, лингвоконцептуал тушунчаларга тавсиф бериш;

---

Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. ... – Самарқанд, 2018; Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Автореф. дис. ... кан. филол. наук. – Ашхабад, 1973.

<sup>4</sup> Құрышжанов А. Қазақ тілі «к» дыбысының қолданылу тарихынан // Қазақ тілі тарихы мен диалектологиялық мәселелерінен. I шығуы. – Алматы, 1960; Бекетов Б. Қарақалпақстанның оңтүстігіндегі қазақтар тілі: Филол. ғыл. ... канд. дис. – Алматы, 1970; Усы автор: Қарақалпақстан қазақтары тілі. – Алматы, 1992; Жунисов Н. Казахский переходной говор на территории Каракалпакстана. – Алма-ата, 1965; Усы автор: Қарақалпақстанның Тахтакөпир, Мойнақ, Қараөзек аудандарында туратын қазақтардың тілінде кездесетін фонетикалық ерекшеліктер. – Алматы, 1965; Усы автор: Қарақалпақстандағы қазақ тілінің ауыспалы говоры: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 1965; Қудиярова Ш. Қарақалпақ хәм қазақ тиллериниң лексика-семантикалық өзгешеликлери: Филол. илим. ... канд. дис. автореф. – Нөкис, 2006; Қуттымуратова Ы. Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги қозоқ шеvasи: Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. ... автореф. – Нукус, 2018; Адилова Г. Қарақалпақстан қазақтары тіліндегі этнографизмдер. – Нөкис, 2015.

<sup>5</sup> Ишаев А. Фонетические особенности мангитского говора узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1962; Ибрагимов Ю. Исследование узбекских говоров Приаралья. – Нукус: Билим, 1992; Ибрагимова З.Ю. Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикаси. – Т.: Muharrir, 2013; Ибрагимова У. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларида сўз ясаилиши: Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. ... автореф. – Нукус, 2019.

<sup>6</sup> Аразкулиев С. Гарагалпақстан АССР-ның Дөртгүл районындағы түркмен геплешиклери. – Ашхабад, 1961; Аразов А.Т. Қорақалпоғистон туркманларининг сўзлашув тили билан қорақалпоқ тилининг ўзаро таъсири ва интерференция ходисаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Нукус, 2006. – 22 б.

<sup>7</sup> Айназарова Г. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2000; Yusupova B. Qaraqalpaq tiliniñ frazeologiyası (oqiw qollanba). – Т.: Tafakkur-boʻstoni, 2020. – 268 б.; Пирниязова А.Қ. Қарақалпақ тили фразеологиялық системасы хәм оның стилистикалық имканиятлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2020. – 176 б.; Аллаамбергенова Г. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши: Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. ... автореф. – Нукус, 2019.

соматик фразеологизмларнинг концептуал белгиларини Қорақалпоғистон Республикасида қозоқ миллати билан бирга истиқомат қилаётган қорақалпоқ, ўзбек, туркман миллати вакиллари тилларидаги ўзаро таъсир ва концептуал, семантик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш;

диалектал соматик фразеологизмларнинг шаклланиш жараёнида коннотациясини аниқлаш, мавзувий гуруҳларга ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикасидаги қозоқ миллати вакиллари тилида кенг тарқалган ва қўлланишда бўлган диалектал соматик фразеологизмлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қорақалпоғистонда яшовчи қозоқлар тилида диалектал соматик фразеологизмларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, концептуал-семантик ва миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда анъанавий тавсифий, когнитив-концептуал, этимологик, ассоциатив-қиёсий, семасиологик, лингвомаданий, компонент ва лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоғистонлик қозоқлар тилида фаол қўлланиладиган соматик фразеологизмларнинг бошқа туркий тиллардан ажралиб турувчи лингвомаданий, жонли сўзлашув тилига хос когнитив, айрим соматик бирликларнинг концептуал, ментал маданий турмушига оид парадигматик, мавзуй ва лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

диалектал соматик фразеологизмларнинг Қорақалпоғистонда истиқомат қилаётган маҳаллий қозоқлар жонли сўзлашув тилида қўлланилишидаги асрлар давомида шаклланган ўзига хос структур таҳлил ва семантик-прагматик, қозоқларнинг изоглоссага учраган миллий-маданий ва миллий қадриятлари билан боғлиқ этнографик хусусиятлари қозоқ адабий тилига оид материаллар орқали далилланган;

қорақалпоғистонлик қозоқлар тили оралиқ диалект эканлиги соматик фразеологизмларни бошқа диалектлар билан ҳам қиёслаш асосида очиб берилган, инсон тана аъзолари билан боғлиқ соматик фраземаларнинг ўз семантик майдонига эга эканлиги, эмоционал-экспрессив ифодаси, қорақалпоқ адабий тили ва диалектларидаги соматик фразеологизмлардан маъно жиҳатдан бевосита фарқланиши аниқланган;

диалектал соматик фразеологизмларнинг концептуал белгиларини аниқлаш, бундай фразеологик бирликларни мавзувий гуруҳларга ажратиш орқали денотатив ва коннотатив ҳамда Қорақалпоғистондаги қозоқ шеваларининг лингвомаданий хусусиятлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоғистонлик қозоқлар тилида қўлланиладиган соматик фразеологизмларни тадқиқ қилиш натижасида чиқарилган хулосалар туркий диалектология ва фразеология учун зарур илмий-назарий маълумотлар беради;

ушбу ҳудудда яшаётган қозоқлар тилидаги соматик фразеологизмлар бой материаллар асосида илк марта махсус ўрганилди ва диалектал ўзига хослиги, лингвистик хусусиятлари очиб берилди;

Қорақалпоғистонлик қозоқлар тилига шу ҳудудда яшаб келаётган қардош қорақалпоқ, ўзбек, туркман миллати вакиллари тилининг таъсири ва ушбу таъсир натижасида соматик фразеологизмларнинг семантик, концептуал, лингвомаданий фарқлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Қорақалпоғистонлик қозоқлар диалектининг қозоқ диалектлари яхлит тизимидаги тутган ўрни белгиланган, қўшни миллат вакилларининг урф-одат, анъана, маданият ва лингвомаданий, лисоний табиатини тавсифлашда қадриятларининг соматик фразеологизмларнинг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий тадқиқот ва усуллар, назарий маълумотларнинг ишончлилиги илмий ва назарий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар анъанавий тавсифий, когнитив-концептуал, этимологик, ассоциатив-қиёсий, семасиологик, лингвомаданий, компонент ва лингвостатистик усулларга асосланганлиги билан изоҳланади. Қорақалпоғистоннинг шимолий ва жанубий туманларида истиқомат қиладиган қозоқ миллати вакилларининг нутқи бўйича 2005 йиллардан бошлаб тўпланган материаллар, Нукус давлат педагогика институти қозоқ тили ва адабиёти йўналиши талабаларининг фольклор-диалектологик дала амалиётларида тўпланган бой материаллар тадқиқот ишининг ишончлилигини кафолатлайди. Назарий фикрлар ва хулосалар амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги ҳам тадқиқотнинг ишончлилигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар туркий тилларнинг диалектал фразеология, лингвомаданиятшунослик, когнитология соҳаларидаги изланишларни барқарорлаштиришга ёрдам беради, Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган қозоқлар тили, ундаги соматик фразеологизмларнинг диалектал хусусиятлари, шунингдек, туркий тилларнинг бир-бирига таъсири, диалектал изогласса, лингвомаданий масалаларни аниқлашда муҳим илмий манба хизматини бажаради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иш материаллари ва умумлаштирилган хулосалардан олий таълим муассасаларида таълим қозоқ тилида олиб бориладиган йўналишларда семинарлар, махсус курслар ташкил этишда, қозоқ тилшунослигининг фразеология, контактология, прагмалингвистика, лингвомаданиятшунослик, услубият, диалектология сатҳлари бўйича дарслик, монография, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмларнинг лингвомаданий таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмларни мавзувий гуруҳларга ажратиш билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги (2012-2016 йй.) ФА-Ф1-Г003-сон фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА ҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 15 февралдаги 32/1-сон маълумотномаси). Натижада, диалектал соматик фразеологизмларни лингвомаданий аспектда янгича тадқиқ қилишда манба сифатида асос бўлган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги қозоқлар тилида инсон тана аъзолари билан боғлиқ номлар ва соматик фразеологизмларни лингвомаданий жиҳатдан аниқлаш бўйича хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида кўргазма ва экскурсия дарсларини ўтишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг 2021 йил 16 мартдаги 145-сон маълумотномаси). Натижада, кўргазма, экскурс дарслари орқали соматик фразеологизмларнинг концептуал хусусиятини ўрганишга имконият яратилган.

диалектал соматик фразеологизмларнинг қорақалпоқ, ўзбек, туркман адабий тилига қиёсланишидаги тафовутлар, уларнинг қозоқ диалектологиясида тутган ўрни, вазифаси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон – умумий уйимиз» эшиттириши ва «Алтын аймақ» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 29 мартдаги №01-02/170-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг илмий далилларга бой бўлиши таъминланган ва туркий тиллар, оралиқ диалектларнинг ривожланиш тамойиллари билан боғлиқ назарий маълумотлар тилшунослик масалаларига қизиқувчи кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияда, жумладан: 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусига оид жами 12 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, асосий уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон қозоқлари тили ва фразеологизмларининг ўрганилиши»** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. Унинг биринчи фасли **«Қорақалпоғистон қозоқлари тилининг тадқиқ қилиниши»** деб номланиб, унда Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган қозоқларнинг ушбу ҳудудга кўчиб келиш жараёнлари, қайси миллат вакиллари билан асрлар давомида яшаб келаётганлиги, миллий кадриятларининг ўзига хослиги тўғрисида сўз юритилган, шунингдек, уларнинг тилини ўрганиш бўйича адабиётларга шарҳлар берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида, умуман, Амударё ва Орол денгизи бўйида қозоқларнинг ўтrockлашиши бир қанча тарихий шароитлар билан боғлиқ. Чунки бу ҳудудда яшаган туркий тилли қардош халқлар сиёсий жиҳатдан Хива хони тасарруфида бўлган. Қозоқ ва қорақалпоқ халқининг аралаш ҳолда бирга яшаб келаётганлигининг қадим даврларга бориб тақалишини тарихчи У.Х.Шалекенов: «Қорақалпоқлар қозоқнинг кичик юз уруғлари билан бирга Сир бўйини (Сирдарё) макон қилишган. Сир бўйидан кўчганда ҳам бу икки халқ бирга кўчиб, бирга тирикчилик қилиб, ўзаро муносабатда бўлиб келишган. Қорақалпоқ ва қозоқ халқлари Туркистондан кўчгандан кейин Қувондарё ва Янгидарё бўйларига жойлашиб, кўним топиши билан бир қаторда уларнинг касблари, кун кўриши, тирикчилиги ҳам бир хил бўлган. 1710 йилда қозоқ ва қорақалпоқлардан иборат халқ жангчилари ташқи душман – жунғор босқинчиларини шарққа томон қувиб чиқарган»<sup>8</sup> - деб келтиради.

Демак, қозоқ ва қорақалпоқларнинг бир ҳудудда яшаши деярли уч асрга яқин вақтни ўз ичига олади, яъни XVIII аср бошларидаёқ улар Хива хонлиги ҳудудига келган. Қорақалпоқлар макон тутган юртда қозоқларнинг муайян гуруҳининг кўним топишини фақат истило ва босқинчиликлар билан боғлаш бир томонлама ёндашув бўлади. Илмий адабиётларда «Қозоқларнинг бу маконга келиши, доимо мол чорвачилиги билан шуғулланган қозоқларга чорваси учун қулай яйлов зарурати ва қозоқлар ўртасида кам учрайдиган ўша пайтлардаги уруғ келишмовчиликларининг натижасида – катта уруғларнинг

<sup>8</sup> Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. – Т.:Фан, 1966. – С. 38.

ўз жойида қолиб, кам сонли уруғларнинг кўчиб, бошқа ерлардан, ўзга юртлардан макон излашига сабабчи бўлган»<sup>9</sup>, – дейилади.

Тарихчи Т.А.Жданконинг таъкидлашича, «бу ҳудудга қорақалпоқларнинг кўчиб келиб, қўним топиши бундан 400 йиллар илгари Хоразм юртини Шайбонийхон босқинчилари босиб олиши билан улар Хоразмдан кўчиб борган. Шундай қилиб қозоқлар Орол денгизининг жанубий томонларида қўним топган»<sup>10</sup>, – деб кўрсатади.

Қорақалпоғистондаги қозоқ миллати вакиллари республиканинг шимолий ва жанубий туманларида ҳам яшайди.

Диалектал хусусиятларни аниқлашнинг асосий ўлчовларидан бири – бу маҳаллий аҳолининг этник таркиби бўлиб, қозоқнинг кичик юзининг барча уруғлари, масалан, алим ўғли – кете, қаракесек, қарасақал, төртқара, шекти, шөмекей; етти уруғ – жағалбайлы, кердери, табын, тама, адайлар билан ўн икки ота бой ўғли – алаша, байбақты, есентемир, жаппас, шеркеш, ысық, керейт, төртқара, кедей, катта юзнинг бир қанча уруғлари учрайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 2020 йил 1 январдаги маълумотига кўра<sup>11</sup> республикада жами 1869782 аҳоли сони бўлиб, 18 миллат вакили истиқомат қилади. Шундан, ўзбеклар – 751004 (40,2%), қорақалпоқлар – 690478 (36,2%), руслар – 10316 (0,6%), татарлар – 4896 (0,3%), қирғизлар – 1446 (0,1%), тожиклар – 267 (0,01%), қозоқлар – 293795 (15,7%), туркманлар – 99964 (5,3%), бошқа миллатлар – 17616 (0,9%) тани ташкил этади.

Ҳозирда бир қанча миллатлар ўртасидаги кўп тиллилик шароитида, айниқса, Қозоғистондан ташқарида яшаётган қозоқ халқи миллий адабий тилини диалектлар орқали сақлаб қолиш масаласи катта илмий аҳамиятга эга. Чунки диалектлар ўзига хослигига кўра тил тарихи билан боғлиқ бебаҳо манбаларни ўз ичига олади. Демак, Қозоғистон Республикасидан ташқарида яшайдиган қозоқларнинг тил хусусияти, миллий тилидаги ассимиляция, диссимиляция, гибридлашиш, билингвизм, полилингвизм сингари масалаларни ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади. Диалектал бирликларни тадқиқ қилишда икки хил йўналиш бўлиб, *биринчи йўналиш* Қозоғистон ҳудудидаги қозоқлар тилининг диалектал хусусиятлари; *иккинчи йўналиш* Қозоғистон ҳудудидан ташқарида яшаётган қозоқлар тилининг хусусиятлари.

Биринчи йўналиш маҳаллий диалектлар ёки шеваларни ўрганишнинг алоҳида йўналиши бўлса, иккинчи йўналиш кўчма йўналиш, яъни Қозоғистондан ташқарида яшовчи қозоқларнинг ҳудудий тил хусусияти ҳисобланади. Умуман, диалектология фанида бу каби икки катта йўналишнинг мавжуд эканлигини қорақалпоқ диалектлари тизимини махсус тадқиқ ва тасниф қилган Д.С.Насыров эса «изоляциялашган шевалар тарзида

<sup>9</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 2. – М.: Наука, 1963. – С. 354.

<sup>10</sup> Жданко Т.А. Проблемы этногенезиса каракалпаков // Краткое сообщение института этнографии. – М., 1962. – вып. 36. – С. 15.

<sup>11</sup> Қарақалпақстан Республикасы Экономика ҳам статистика министрлигининг 2020-жыл, январь айы мағлыўматы.

номлаб, унга Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Туркистон, шимолий Қозоғистон ёки қорақалпоқларнинг Орол гуруҳидагиларни киритамиз»<sup>12</sup>, – деб алоҳида таъкидлаб ўтади.

Демак, Қозоғистондан ташқарида яшовчи қозоқлар тили хусусиятларини изоляцияга учраган ёки аралаш, кўчма говор (шева) деб номлашга тўла ҳақлимиз. Бунда Қорақалпоғистондаги қозоқлар шевасида бугунги кунда уч йўналиш мавжуд эканлиги кузатилади: *биринчи йўналиш* Қорақалпоғистон қозоқларининг қозоқ-ўзбек шеваси; *иккинчи йўналиш* қозоқ-туркман шеваси; *учинчи йўналиш* қозоқ-қорақалпоқ шеваси.

Қорақалпоғистон қозоқлари тилини режа асосида тадқиқ қилиш ишлари 1940 йиллардан бошланди. 1960 йилларда Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари А.Қурышжанов, С.Омарбеков, Қ.Умиралиев, О.Нақысбеков, Б.Ысқақов, А.Махмутов, Н.Жунисов, Б.Бекетовлар Қорақалпоғистондаги қозоқлар яшайдиган овулларда экспедицияда бўлиб, бу худуддаги қозоқлар тарихи, санъати, дастури, оғзаки адабиёти билан боғлиқ қимматли материалларни ёзиб олишди ва шу қаторда ушбу материалларни тизимлаштириб, илмий мақолалар ёзишган бўлса<sup>13</sup>, Н.Жунисов<sup>14</sup> ва Б.Бекетовлар<sup>15</sup> махсус илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Соматик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари**» деб номланади. Қорақалпоғистонлик қозоқлар тилида ҳам бошқа тил бирликлари билан бирга фразеологизмлар диалектал лексиканинг маълум таркибий қисмини ташкил этади.

Ҳар қандай халқнинг миллий маданиятини, қадриятларини кўрсатишда, тилнинг бадиийлиги, фикр теранлигини ифодалашда фразеологизмлар муҳим аҳамият касб этади. Фразеологизмларнинг маъно гуруҳлари жуда кўп ва улар чегараланган лексика таркибида, яъни диалектал ифодаланиши бўйича ҳам хусусиятларга эга. Демак, бу гуруҳдаги бирликларни соматик фразеологизм → диалектология → лингвомаданиятшунослик интеграцияси орқали тадқиқ қилиш халқлар, миллатлар, маданиятлар тўқнашувидаги ўзига хосликларни аниқлашга имконият яратади.

Фразеологизмлар инсон онгининг шаклланиши билан ривожланиб, такомиллашиб, тилда сингишиб, фойдаланиб келинаётганлиги, айниқса, ҳар бир нарсани, тушунчани англаб етиши, тушуниши билан бевосита боғлиқ. Кўпинча фразеологизмларда нарса, тушунча, ходиса атамалари улар таркибида таянч сўз вазифасида келади. Улардан энг асосийлари инсон тана

<sup>12</sup> Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус-Казань: Каракалпакстан, 1976. – С. 288.

<sup>13</sup> Қурышжанов Э., Махмутов А. Қазақ тили тарихы менен диалектологиясының изертленіуі хақында // Совет Қарақалпақстаны. – Нөкис, 1960, 16-август; Құрышжанов Э. Қарақалпақ АССРында тұратын қазақтардың тіліндегі кейбір ерекшеліктері // Қазақ тілі тарихы мен диалектологиясы мәселелері. – Алматы: Ғылым, 1963.

<sup>14</sup> Жүнісов Н. Халық тілінің жергілікті ерекшеліктері (Қарақалпақстандағы қазақ говоры материалы негізінде). – Алматы: Мектеп, 1981.

<sup>15</sup> Бекетов Б. Қарақалпақ қазақтарының тілі (Қарақалпақстан Республикасының оңтүстік аудандарындағы қазақ тілі говоры). – Алматы: Рауан, 1992.

аьзолари номларини ифодалайдиган сўзларнинг асос сўз бўлиб келиши, барқарор таркибга, муайян маъно ифодаланишига эга бўлади.

Қозоқ тилшунослигида Н.Э. Оразалиева: «Фразеологиялашиш деганда – тил бирликларининг ўзаро маъновий боғлиқлиги туфайли турғун сўз бирикмаси янги кўчма маънога эга бўлади»<sup>16</sup>, – дея таъкидлайди. Соматик фразеологизмлар таркибида ҳудудий ўзига хосликка эга турлари ҳам бор. Айниқса, катта кўламли макрохудудларда, жумладан, Қорақалпоғистонда яшаётган қозоқлар тилида ҳам оралик, изоляцияга учраган, алоҳидаланган диалектга хос кўпгина диалектал соматик фразеологизмлар учрайди.

Мўғулистондаги қозоқлар тилини, ундаги фразеологизмлар масалаларини Б.Бамишули<sup>17</sup>, Афғонистон ва Эрон ҳудудидаги қозоқлар тилини Б.Ўтебеков<sup>18</sup>, Мўғулистондаги қозоқлар тилини лингвоареал аспектда А.Удербает<sup>19</sup> тадқиқ қилган бўлса, Б.Базилхан<sup>20</sup> Мўғулистонда яшаётган қозоқлар тили бўйича салмоқли ишларини амалга оширганлар. С.Мустафаули<sup>21</sup> Хитойда яшайдиган қозоқлар тилидаги диалектал фразеологизмлар масаласини ўрганган. А.Тасимов<sup>22</sup>, А.Ниязғалиевлар<sup>23</sup> эса руслар билан аралаш ҳолда истиқомат қилаётган қозоқлар тили, фразеологизмларнинг диалектал хусусиятлари тўғрисида илмий мулоҳазаларини билдирган.

Р.Уримова<sup>24</sup> Мўғулистон, Хитой, Россия қозоқлари тилидаги фразеологизмлар билан бирга Қорақалпоғистон қозоқлари тилида қўлланиладиган «Аўылымыз атаўда, аяқ-қолымыз матаўда» деган мақолдаги *атаў* – сўзи қорақалпоқча сўз эканлигини, қозоқ адабий тилида *атаў* сўзи *орол* маъносини англатишини қайд этади.

Инсон шахси, энг аввало, дунёни, турмушни англаш, айниқса гўдакнинг теваарак атрофдагилар, борлиқдаги нарса-предметларни таниб олиши, она тилида ўз тана аьзоларининг номини билиши, айтиши билан аста-секин шаклланади. Чунки одам бўлиб ҳали сўзларни, тушунчаларни онгли равишда айта олмаган энг дастлабки шаклланиш даврларида ҳам маълум масофани, узоқ ёки яқинни ифодалашда инсон аьзолари номларидан

<sup>16</sup> Оразалиева Н.Э. Қазақ тіл біліміндегі когнитивтік парадигма: Филол. ғыл. ... докт. дис. автореф. – Алматы, 2007. – 46 б.

<sup>17</sup> Бәмішұлы Б. Монғолия қазағының тілі: әлеуметтік лингвистикалық қыры: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2006. – 24 б.

<sup>18</sup> Өтебеков Б. Ауған, Иран қазақтарының тіліндегі жергілікті ерекшеліктер: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 1998. – 28 б.

<sup>19</sup> Удербает А.Ж. Монғолиядағы қазақ диаспорасының тіліндегі фонетикалық ареал кубылыстарды салыстырмалы зерттеу: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2002. – 24 б.

<sup>20</sup> Базылхан Б. Монғолия қазақтарының тілі. – Улаанбаатар: Өлгий, 1991. – 206 б.; Монгольские заимствования в Баян-Ульгейском говоре казахского языка // Монголын судлал. – Улаанбаатар, 1967. — С. 91.

<sup>21</sup> Мұстафаұлы С. Қытай қазақтары тілінің тұрақты тіркестеріндегі жергілікті ерекшеліктер: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2002. – 26 б.

<sup>22</sup> Тасымов А. Еділ бойындағы қазақтардың тіл ерекшеліктері: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 1975. – 24 б.

<sup>23</sup> Ниязғалиева А. Қазақ сөйленістеріндегі орыс тілінен енген сөздер: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 1967. – 22 б.

<sup>24</sup> Уримова Р.К. Қазақ тілінің аймақтық нақыл-мәтелдері мен фразеологизмдерінің этноқұрылымдық сипаты: Филол. ғыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2009. – 16 б.

фойдаланилганлигини англашимиз мумкин. Шунинг учун ҳам оғзаки адабий тилда *аяқ* жетпейтуғын жер; *көз* ушында, бир *адым/кәдем* жерде, *көз* жетер жерде көринбеу; бийиклиги жети *қулаш* дийўал каби бирикмаларда баландлик, узок ёки яқинлик сингари масофалар тушунилади. Демак, қадимданоқ тилда соматик бирликлар шундай тушунчаларни ифодалашда асосий таянч сўз сифатида қўлланилган. Тилда касаллик номларини, инсоннинг психологик ҳолатини, кишиларнинг бир-бирларига этикет сўзлар орқали муносабат қилиши ҳам соматизмлар ёрдамида ифодаланган. *Бас аўырыў, көз аўырыў, жүрек аўырыў* каби бирикмаларда одамнинг шу аъзоларидаги касалликни билдирса, *төбеси көкке жетиў* – қувонч туйғуси, *өкпесин осыў* – азоб бериш, *мурны салбыраў* – иши юришмаслик, омадсизлик, *ийини түсиў* – хафа, кўнгилсизликни англатса, *қол алысыў* – саломлашиш, *қушақласып көрисиў* – омонлик сўрашиш, *қолының ушын бериў* – ёқтирмасдан саломлашиш, масъулиятсизликни билдириб, бундай фразеологизмлар гуруҳини халқнинг мулоқот маданиятининг тилдаги акси деб баҳолаш мумкин.

Лингвомаданий хусусият тарих ва этнография билан зич боғлиқ ҳолда, бутун тарзда қаралсагина ўз самарасини беради. Шу билан бирга тил ўз зиммасидаги бор меросни янги даврларга, янги авлодларга ҳам етказа олади, яъни энг муҳим вазифани бажаради.

Қозоқ миллати вакиллари миллий этнос диаспорасини ташкил этади. Қозоқ ва қорақалпоқ тиллари генетик жиҳатдан туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансублиги, келиб чиқиши, шаклланиш илдизи туркий боботилга бориб тақалиши, соматик фразеологизмларда деярли бир хил ёки шаклан ўхшаш бўлган таянч сўзлардан фойдаланиши билан бевосита боғлиқ. Қорақалпоғистон қозоқлари тилида қорақалпоқ тилининг билингвизмлик таъсирлари сезилади. *Ақ йық болу* – юртга жория, паст бўлмоқ. *Йық* – қорақалпоқ адабий тилида, шимолий ва жанубий диалектларда *ақ ийин болыў* шаклида учрамайди, қозоқ тилидаги *ийин* эса тана аъзосини билдиради. *Ақ табан болыў* фразеологизми мавжуд бўлиб, одамнинг бир жойга қайта-қайта бориши, овора бўлиши маънолари маълум, бунда *табан* оёқнинг бир қисми, унга юриш, одим, қадам ташлаш каби муштарак семантик тушунчалар хос. Қорақалпоғистонлик қозоқлар тилидаги *йық* (ийин) тана аъзоси орқали одамнинг ўзи, бутун гавдаси, танаси маъноси тушунилиб, инсоннинг юртга танилиши маъноси англашилади. Бу жиҳатдан ҳудуддаги қозоқлар тилида ўз миллий тил белгиларини фразеологизмлар таркибида сақлаб қолганлигини кўриш мумкин. *Аяғынан тозу* – қийналиш, овора бўлиш маъноларини ифодалайди. Маҳаллий қорақалпоқлар тилида ҳам бу фразеологизм бир хил қўлланилиб, бирор ерга бир неча марта борилса-да, иши юришмасдан, одамнинг овора бўлишини билдиради. *Бүйірін шертіп шығу* – бирор ердан тўйиб, кўнглини хотиржам қилиб чиқмоқ. Қозоқ адабий тилида эса айнан шу шаклда деярли ишлатилмайди. *Аяқ үстінде жүру* – бекор юрмоқ маъносини англатади. *Оёқ* – одам гавдасини бир бутун тушунча деб қарайдиган бўлсак, унинг жойлашиши бўйича тананинг энг қуйидаги аъзоси. Бу соматик фразеологизм орқали ҳеч нарсанинг қадрига етмаслик, ҳатто оёқнинг ҳам,

оёқни овора қилиб, бекорчи, ишёқмас одамнинг оёқ устида юриши тушунилади.

Соматик фразеологизмлар – бу ҳар қандай халқнинг миллий маданиятининг кўрсаткичи, коди, тушунчаси. Бу орқали одамнинг ички туйғулари, ўз тана аъзолари билан боғлиқ тарзда акс эттирилиб, инсон ички кечинмаларини намоён этади. Одам организмини тузилишига кўра ўнг ва чап деб қараш, уларга муайян диний эътиқод, тушунчалар орқали муносабатда бўлиш фақат қозоқ халқига эмас, барча мусулмон халқларига ҳам хосдир. Ўнг қўл билан саломлашиш, овқатни ўнг қўл билан емоқ, шу сингари диний, маънавий удумлар билан чуқур аралашиб кетган тушунчалар, диний кадриятлар, урф-одат, анъанавий стереотиплар мавжуд. Бу, демак, халқнинг инсон боласи бунёд бўлишининг бетакрор инъоми деб ҳисоблаши, оламни англашда ўз тушунчаларини, қарашларини тана аъзолари номлари орқали ифодадай олишининг ёрқин далилидир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмларнинг концептуал таҳлили**» деб номланган. Сўнгги пайтлардаги тадқиқотларда «концепт», «код», «фрагмент», «концептосфера» каби бирликлар ҳам учрайди. Концепт – бу муайян тушунчалар бўйича келинган хулоса, тушунчаларнинг жамланган тўплами, ўхшаш тушунчалар бирикмаси деб баҳоланади.

Тил коммуникация воситаси бўлибгина қолмасдан, коннотатив вазифани ҳам бажаради. Чунки тилда соматик фразеологизмлар орқали ижтимоий-маданий, маънавий кадрият маъно-мазмунни ҳам ифодаланади. Тил ва ҳаёт фақат инсон фаолияти орқали ўз кўринишини ҳосил қилади. Инсоннинг атрофда бўлаётган ҳаракатлар, ўзгаришлар, ҳодисаларни эшитиши, кўриши, тинглаши, англаши тана аъзолари орқали амалга оширилади, яъни тана аъзолари ёрдамида теварак-атроф – объектив олам ҳақидаги қарашларини, ўй-хаёлини шакллантиради. Демак, табиат, объектив борлиқ ва тил, ушбу алоҳида икки тушунчанинг ўртасида инсоннинг ақли, фикри, онги боғловчилик вазифасига эга.

Оламнинг манзарасини тил ва маданият контексти орқали таҳлил қилишда соматик фразеологизмлар ўз қўлланиш даражасига кўра муайян ҳудудий хусусиятларга ҳам эга. Иккинчи бобнинг биринчи фасли «**Бош концепти**» деб номланиб, *бас* соматизми орқали ясалган фразеологизмлар таҳлил қилинди. Қозоқ адабий тилида *бас* соматизми асос бўлган *бас бэйгі* – бош соврин, энг обрўли совға, *бас қўда* – йўли катта қўда, *бас болды* – олдинги сафда бўлмоқ, *бас бұзар* – бузғунчи, нифоқ солувчи, бирликни бузадиган киши, *бас кесер* – қароқчи, бераҳм, *адамның басына//төбесіне шығу* – менсимаслик, ўз айтганини қилдирадиган, ҳеч ким билан ҳисоб-китоб қилмайдиган маънолари билан бирга марҳумнинг қабри устига зиёрат қилиш деган тушунчани ҳам англантиб, омоним соматизмликни юзага келтиради.

*Бас* сўзи – ақл, онг, идрок, биринчилик, юқори, устунлик, умуман, инсонни бошқарувчи куч сифатидаги маъноларни ҳам ифодалайди. Шунингдек, бу фразеологизмларда халқнинг удумлари, урф-одат ва дастурлари, турмуши, тирикчилиги, атроф-муҳитни билиш, англаш

тушунчаси, халқнинг кадрият, менталитет хусусиятларини ҳам ўз ичига олади. Қорақалпоғистондаги қозоқлар тилида *бас* асосли *басқа шығу* – алоҳида уй эгаси бўлмоқ, ажралиб чиқмоқ, *басларын қуыстыру* – уйлантирмоқ, *басы ашық* – турмуш қурмаган, *есігіне бас ұру // астанасына бас қою* – қизини сўраб совчиликка бормоқ, *Бас келу* – ўз айтганини қилдирмоқ, кўндирмоқ, бўйсундирмоқ, *басына кету* – ўз ҳолича бўлмоқ, *басына су қўйды* – қуритмоқ, йўқ қилмоқ, *бас(тар)ы піспеді* – келишмовчилик, бир-бири билан чиқиша олмаслик, *бас ауру* – безор қилмоқ, ортиқча хавотирланмоқ, *басы іскен* – олдинги хатосидан хулоса чиқармаган, *басы гыр болды* – эсанкирамоқ, нима қилишини билмаслик, *басында бар* – эси йўқ, эси кирди-чиқди, *баибермеу//башартпау* – қарам бўлмаслик, бўйсунмаслик каби соматик фразеологизмлар учрайди.

«**Юрак концепти**» деб номланган иккинчи фаслда *жүрек* тана аъзосининг инсон ички дунёси, кўнгли, кайфияти, туйғулари психоэмоциясини ифодалашда фаол қўлланиши тўғрисида сўз юритилган.

Инсоннинг хулқ-атвор белгисини ифодалайди: *жүрегі қара* – ёмон ниёт, ўйда юрадиган одам, *от жүрек* – ўжар, қайсар хулқли одам. Масалан: Оқудан қайта-қайта жығыла беріп *жүрегі тас* болып қалған (Чимбой тумани, Қамишариқ овули). *Жүрегі тас болу* – қатъийликни билдиради.

Одамнинг сахийлигини, инсонийликни ифодалайди: Сейилхан кем ғарежетлі болса да, *жүрегі аузынан көрінеді* (Кегейли тумани, Аршан овули). *Жүрек* концепти орқали соғлик, саломатлик, кишининг қўрқоқ ёки мардлик хислати ҳам англашилади.

*Жүрек* қорақалпоқ тилининг шимолий ва жанубий диалектларида инсоннинг ор-номуси, виждони концептида ҳам қўлланади: *Жүрегінде қурты бар* адам келә берди (Тўрткўл, Ҳамиробод). Шимолий диалект саналган Чимбой тумани аҳолиси тилида эса *жүрек тықпа* – касалликнинг номи, бронхиал астмани ифодалайди (Чимбой тумани, Минжир овули)<sup>25</sup>.

Қорақалпоғистон қозоқлари тилида маъно ифодаланиши деярли қозоқ адабий тилида учрамайдиган *жүрегіне гул-гула салды* – 1) йигит ёки қизнинг бир-бирига бефарқ эмаслигини туйғулари орқали сездириши, умидвор қилиши; 2) кишининг қандайдир ҳолатдан ташвишланиши, хавотирланиши, *жүрегі дәрия, жүрегі телегей теңіз адам* – инсоннинг хулқ-атворини англантиб, одамнинг жуда оқкўнгил, манман эмаслиги, феъли кенг эканлигини билдиради: *жүрегиниң қурты бар* – виждонли, ор-номусли, *жүрегі қайт болды* – қандайдир ишдаги омадсизликдан кейин уни қайта бажаргиси келмаслик, кўнгли қолмоқ, ҳафсаласизлик; *жүрегі дәу бермеді* (Чимбой тумани маркази) – ботиниб ўз фикрини айта олмаслик; *жүрегі шәүкілдеу* – қувонмоқ маъноларини билдирадиган *жүрек* асосли шевага (говор) оид фразеологизмлар кенг истеъмолда бўлади. Диалектал соматизмларда ҳам *жүрек* концепти инсон маданиятининг энг устувор тушунчаларини, унинг асосий элементлари сифатида кўрсатувчи бирликдир.

<sup>25</sup> Насыров Д.С., Доспанов О.Д. Қарақалпақ тилининг диалектологиялык сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003. – Б. 131.

Учинчи фасл «**Оғиз концепти**» деб номланган. Соматик *аўыз* компоненти қатнашган турғун бирикмалар нутқ аъзоси сифатидаги маънода, таъмини тотмоқ, овқатланмоқ маъносида, моҳирлик, маҳоратлилик маъносида ҳам ишлатилади. *Аузы тўтық //тўтық ауыз* – оғзи ёпик, рамазон ойида маълум вақт ичиб-ейишдан тийилмоқ. Қозоқ адабий тилида эса *аўзы берик, аўзы ораза* шаклида мавжуд.

*Ауыз тию* – таъмини тотмоқ (дастур, ирим). Маҳаллий қорақалпоқ халқи орасида сақланиб қолган дастур, иримлардан бири. Уйига келган кишига *нан аўыз тий* деб, нон келтирилиб, таъмини тоттиради. Умуман, маҳаллий халқ дастурига кўра уйига келган кишига *наннан аўыз тийгизиў* миллий қадрият белгиларидан саналади. *Аузына түпиргендей* – ўхшаш, айнан (адабий тилдаги *аузынан түскендей, аузына шайнап түкірген*). Бу фразеологизмнинг шаклланишида дуоғўй бийлар ва оқсоқолларга чақалоқнинг оғзига туфлатиш иримидан келиб чиққан. Бу эътиқод-иримда машҳур инсонларнинг хислат ва яхши фазилятлари ёш чақалоқларга ўтади, деган тушунча мавжуд.

Ўзбек миллати билан аралаш яшаётган қишлоқларда *аўыз салу* фразеологизми – йигитнинг қизга изҳори, турмуш қуришни таклиф этишини билдиради. Адабий тилдаги «*аўыз салыў*» фраземасининг маъноси – кутилмаганда, тўсатдан келмоқ, тирмашмоқ, ёпишмоқ<sup>26</sup>ни англатади. *Аўыз* компонентли соматик фразеологизмлар орқали инсонларнинг ижобий ва салбий хулқ-атворлари ҳам тасвирлаб берилади: *Аузың қәне десе, қўлагын көрсетеді* – ўтакетган ношуд, меров, анқов; *аузына тақан салған* – кўп гапирмайдиган, ичидагини айтмасдан мутлақо гапирмайдиган; *аузынан пал тамады* – кишиларнинг кўнглига йўл топа оладиган, ширинсухан инсонларга нисбатан ишлатилади<sup>27</sup>. Салбий хулқ-атворни ифодалашда *жеңіл ауыз* – ғийбатчи, гап ташувчи, бировни бошқага ёмонлаб юрадиган киши; *аузына бек* – сир сақлай оладиган кишига нисбатан қўлланади.

*Аўыз* компонентли диалектал фразеологизмларда инсоннинг хулқ-атворини билдирадиган миллий-маданий белгилар, қозоқ ва қорақалпоқ халқларининг узоқ асрлар давомидаги контактология, гибридлашиш, деформация жараёни кўзга ташланади.

Тўртинчи фасл «**Қўл концепти**» деп аталади. Қозоқ адабий тилида *қол* компоненти кўплаб анъана, урф-одатлар билан боғлиқ: *қол ұстатар* – қалинлик билан куёвни дастлабки учраштирганда қиз янғасининг куёвдан оладиган совғаси. *Уят* концепти, психик ҳолат, шароит билан боғлиқ: *сақалды қолдан берді* – уятга қолди, ноқулай аҳволда қолди маъноларини ифодалайди. Қозоқ адабий тилида *келте сўзи келте қуйрық, келте жең* тарзида қўлланилса-да, *қол* сўзи билан бирикмайди. Маҳаллий қозоқлар тилида *қолы келте* – адабий тилдаги *қолы қысқа* – камбағал, чекланган имкониятга эга маъноларини билдиради.

Ўзбек миллати вакиллари билан аралаш, қўшни яшаётган Амударё, Тўрткўл, Беруний туманлари қозоқлари тилида учрайдиган *кеуліне қол салу* –

<sup>26</sup> Кенесбаев І. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алматы: ҚазАқпарат, 2007. – Б. 41.

<sup>27</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б. 201.

ўй-фикрини, кўнглидаги сирларини билишга ҳаракат қилмоқ маъносида ишлатилади. *Қол келу* – ўйлаганидек бўлмоқ, қулай бўлмоқ, хаёлидагидек бўлмоқ маъноларини англатадиган фразеологизмдир.

